

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№ 8, 2024-yil  
28-fevral,  
chorshanba (32.806)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН 2027 ЙИЛ ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

26 февраль куни Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳида Ташкилот Бош Ассамблеяси томонидан "2027 йил – Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили" резолюцияси бир овоздан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ушбу резолюцияга 80 дан ортиқ аъзо мамлакат ҳаммуаллифлик қилди.

Ҳужжат матнини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатлашувларда Россия, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Европа Иттифоқи делегацияси, Япония, Корея Республикаси, Миср, Бразилия, Аргентина каби етакчи давлатларнинг экспертлари фаол иштирок этди ва резолюция мазмунини бойитишга муҳим ҳисса қўшди. БМТга аъзо давлатлар вакиллари ушбу резолюциянинг тақдим этилиши ўз вақтида ва долзарб эканини қайд этдилар.

Ҳужжатнинг бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил октябрида Самарқандда бўлиб ўтган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида туризм соҳасининг янги муаммолар ва замонавий хатарлар олдида барқарорлиги ва мослашувчанлиги борасида билдирилган фикрларига асосланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан туризмнинг турли цивилизациялар бой маданий меросини асрашда, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда муҳим ўрин тутиши тўғрисида баён этилган тамойиллар ушбу резолюцияда мустаҳкамланган.

Ҳужжатда экология, биохилма-хилликни асраш ва атмосферанинг ифлосланишини камайтириш йўлида "яшил" туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Резолюция 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилишни қарор қилади ҳамда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотини ҳукуматлар, БМТ тизимидаги тузилмалар, минтақавий ташкилотлар билан биргалликда йилни муваффақиятли ўтказиш учун комплекс чоралар кўришга чақиради.

Резолюцияда барқарор туризмни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни таъминлаш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи экотуризмни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади.

Резолюция барча манфаатдор томонларга барқарор ва яшовчан туризмни камбағалликни бартараф этиш, аёллар, ёшлар, кексалар ва ногиронларнинг иштирокини рағбатлантириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ҳамда муносиб иш жойлари ва даромад манбаларини яратишнинг муҳим воситаси сифатида фаол илгари суришни тавсия этади.

Ҳужжат билан БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотига ушбу резолюциянинг амалга оширилиши юзасидан БМТ Бош Ассамблеясининг 83-сессиясида (2028 й.) ахборот бериш, бунда Халқаро йил қай даражада ўтказилганини баҳолашга алоҳида эътибор бериш топширилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюция туризм саноатининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишини бошлаб беради.

president.uz

2018 йилдаги ТЕГИШЛИ ФАРМОНГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА 621 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАСИДА ТЕГИШЛИ РУХСАТНОМАСИЗ ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАРИГА НИСБАТАН ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАНИГА ҚАРАМАСДАН, БУГУНГИ КУНДА 3 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ФУҚАРОНИНГ РУХСАТНОМАСИЗ ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАРГА НИСБАТАН ЭГАЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАСИ ҚОНУНИЙ ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА.

## КАТТА МАСАЛАЛАРГА КАТТА ҚОНУНЛАР



5

## МАҚСАД МУҲИМ, ИЖРО УНДАН ҲАМ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини  
"Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да  
амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ, ХАЛҚ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ АНЪАНАГА АЙЛАНМОҚДА.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ШУ ЙИЛНИНГ 1-15 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ МАХСУС ВЕБ ПОРТАЛЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ХАЛҚ МУҲОКАМАСИДАН ЎТКАЗИЛДИ. КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЛОЙИҲА БЎЙИЧА 30 МИНГДАН ОРТИҚ ТАКЛИФ, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛГАН.

2

## ЖАРАЁН БОШЛАНДИ



3

### Янгилик

## 100 ФОИЗЛИК ЖАРИМА 2 ФОИЗГА ТУШМОҚДА

2024 йил 26 февралда солиққа оид айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини мақбуллаштириш тўғрисида Президент фармони имзоланди.

Унга кўра, Солиқ кодексининг 227-прим 1-моддаси бўйича қўлланадиган 100 фоиз жарима бекор қилиниб, 2 фоизга туширилди.

2023 йил 1 сентябрдан мазкур фармон кучга киргунга қадар бўлган даврда ўндирилган жарима суммаларини 98 фоизи келгуси тўловлар ҳисобига белгиланган тартибда тегишли тадбиркорлик субъектларига қайтарилади.

Солиқ кодексининг 227-прим 1-моддасида назарда тутилган, яъни фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар биринчи марта содир этилганда охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи миқдорида жарима солиниши белгиланади. Аввал соф тушумнинг 100 фоизи миқдорида жарима солинган.

Энди бундай ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилганда жарима миқдори соф тушумнинг 20 фоизи миқдорида белгиланади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йил 13 июндан буён 1,5 минг нафар тадбиркорга нисбатан 694 миллиард сўм жарима қўлланилиб, шундан 39 млрд. сўми ўндирилган.

Фармон кучга киргунга қадар фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилган молиявий жарималар бўйича мавжуд қарздорликнинг 98 фоизи ҳисобдан чиқарилади. Ҳисобдан чиқарилган қарздорликни ўндириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилади.

Солиқ кодексига тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар ушбу ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жарималар ва маъмурий жазо чоралари қўлланилмайди.



O'ZBEKISTON - 2024

# МАҚСАД МУҲИМ, ИЖРО УНДАН ҲАМ

**Донолар давлатни тирик организмга қиёслашади.** Давлатнинг ҳар бир фуқаро манфаатларини қамраб олувчи умум мақсади бўлади.

Шу маънода, "Ўзбекистон-2030" стратегиясини мақсадга эришиш йўлидаги катта мақсадга қиёслаш мумкин. Кунги кеча "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш" йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини шу мақсад йўлида ташланиши зарур бўлган қадамга ўхшатсак, муболағаси йўқ.

Кенг жамоатчилик муҳокамаларида сайқалланган Давлат дастурида қандай соҳа ва йўналишлар қамраб олинди?

## ЁШЛАР УСТУВОРЛИГИ

Шу йил 1 мартдан бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан "Ёшлар баланси" асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарлари га бириктирилиши белгиланган.

Бунда раҳбарлар ҳар ойда камида бир мартаба ўзларига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, шунингдек, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама қўмаклашиб бориши таъкидланган.

Раҳбарларга ўзларига бириктирилган ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш учун тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан зарур маблағларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида йўналтиришга рухсат этилган.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, 1 июндан бошлаб "Ёш тадбиркор" танловларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйлади. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан танлов асосида "маҳалла – туман – вилоят – республика" босқичларида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва гоёлари сараланади.

Республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилиши, голиб бўлган бизнес лойиҳа ва гоёлар эгалари Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан хорижий давлатларга малака оширишга юбориш каби ёшларни қўллаб-қувватловчи кўплаб мақсадлар дастурдан ўрин олган.

## ИНСОННИ УЛУҒЛАШ

Дастурда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш йўналишида ҳам бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш ва Рақамли технологиялар вазирлиги биргаликда 2024 йил 1 декабрга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 17 тадан 24 тага етказиш, бунинг доирасида фуқароларнинг онкологик, кардиологик ва эндокринологик скринингдан ўтиши натижаси, уларни даволаш учун ажратиладиган пуллар тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратиш юкланган.

**6,7 миллион нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида юрак-қон томир, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари хавфини**

доска, компьютер, спорт жиҳозлари, китоблар каби мактаблар учун зарур товарларга сарфланиши белгиланган.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Халқаро майдондаги кескинлашган сиёсий вазият, глобал иқлим ўзгаришлари ижтимоий ҳимоя масаласини дунё ҳамжамияти кун тартибидеги долзарб масалага айлантди. Бу мазкур давстурда ҳам ўз ифодасини топди.

2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воси-

Шунингдек, иқтисодий тармоқларида қиймати **18 миллиард доллар бўлган 309 та йирик лойиҳани ишга тушириш, йиллик инфляция даражаси 9 фоизгача ва фискал тақчиллик 4 фоизгача бўлишини таъминлаш**, иқтисодий тармоқларига 275 триллион сўм кредит ресурсларини йўналтириш, шу жумладан, 41 триллион сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилиши белгилаб қўйилган.

Диққатни жамлаб ўйлаб кўрсак, биргина ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 6 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлиши кўзлангани марралар катта эканидан далolat.

Сабаби, бугунги халқаро майдондаги танг сиёсий ва иқтисодий вазиятда кўплаб давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини 5-6 фоизга ошириш бир ёқда турсин, барқарорлиқни сақлаб қолиш ҳам мушкул вазифа бўлиб қолмоқда.

## ЭКОЛОГИЯГА ЭЪТИБОР АСЛИ ҲИМОЯДИР

Турли омиллар таъсирида экология аянчи ҳолга келмоқда. Табиати асраш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг энг инсоний бурчимизга айланиши керак.

Юртимизда экологияни асрашга қаратилган чора-тадбирлар йилдан-йилга кўпаймоқда. 2024 йилги Давлат дастурида ҳам бу акс этмоқда.

Жорий йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида камида **200 миллион түп манзарали ва мевали дарахт ҳамда бута кўчатларини, қаламчаларини экиш, республикада 444 та яшил боғлар барпо этиш режа қилинган.**

Қишлоқ хўжалигида ортиқча сув сарфини камайтириш учун 2024 йил 1 мартга қадар Давлат бюджетидан қўшимча ажратилган 500 миллиард сўм маблағлар доирасида камида 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаш ишларини якунлаш белгиланган.

Бундан ташқари, ўлчами 500 метр квадрат ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонларида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилмоқда.

Дастурда кенг жамоатчилик вакиллари ва экофаолларнинг тақлифлари ҳам ҳисобга олинган. Хусусан, Автомобиллар чиқинди газларининг зарарли таъсирини камайтириш учун Тошкент шаҳрида ҳар ойнинг бир иш кунини давомида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, махсус ва шотилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган "Автомобилсиз кун" жамоатчилик лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган.

Кейинги йилларда мамлакат ҳаётига дахлдор муҳим қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикри, халқ иштирокини таъминлаш аънанага айланмоқда.

Давлат дастури лойиҳаси шу йилнинг 1-15 февраль кунлари махсус веб порталлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда халқ муҳокамасидан ўтказилди. Кенг жамоатчилик томонидан лойиҳа бўйича 30 мингдан ортиқ тақлиф, фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Дастур билан танишиб, унда жорий йил учун улкан марралар кўзланганига амин бўлдик. Мақсадларнинг қанчалик амалга ошиши нафақат давлат, жамоатчиликка ҳам боғлиқ. Дастур ишлаб чиқишида фаол қатнашган кенг жамоатчилик энди унинг ижросини ҳам кузатиб, хабардор бўлиб бориши муҳим.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири



**аниқлаш бўйича профилактик кўриklar ташкил этиш юкланган.**

**Жорий йил якунига қадар вилоятлар марказлари, шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарларида камида биттадан оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлари бор беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи хоспислар ташкил этиш, 10 миллион нафар аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича марафон ва мусобақаларни ташкил этиш орқали оммавий спортга жалб қилиш мақсад қилинмоқда.**

## ТАЪЛИМ БЎЙИЧА

Дастурда қўшимча 1000 та умумий ўрта таълим муассасаларида Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг билимларни баҳолаш тизими жорий қилиниб, фанлардаги амалий машғулотлар улуши 60 фоизгача оширилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 тадан туманида (шаҳрида) синов тарихида "Менинг мактабим" лойиҳаси доирасида Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан мактабларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробарида маблағ ажратилиб, ушбу маблағ 5-11-синф ўқувчилари танловига кўра, электрон

талари билан таъминлашнинг янги тизимини босқичма-босқич жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб пенсия тайинлашда бир вақтнинг ўзида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пулни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни проактив тарзда амалга ошириш, ногиронлиқни белгилашда ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида хабардор қилиш тартибини жорий этиш ҳам кўзланган.

Дастурда 2024 йил 1 декабрдан бошлаб, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида тегишли йўналишдаги нодавлат ташкилотлар орқали Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ҳисобидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти йўлга қўйлади, дейилган.

## ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИ

Дастурнинг Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 6 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлиши, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш чоралари қўрилиши қайд этилган.

# 925 МИНГ ЁШ ИШЛИ БЎЛИШИ МЎЪЖИЗАГА ТЕНГ

Мамлакатимизда ҳар йили минглаб йигит-қизлар катта ва мустақил ҳаётга кириб келади. Уларнинг банд бўлиши умумдавлат аҳамиятига эга масала. Бу сифатли таълим ва касбга ўргатиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, ишга жойлаштириш билан боғлиқ барча муаммоларга ечим топиши тақозо қилади.

Айтиш керакки, ёшларимиз орасида ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгиликлар жараёнида фаол иштирок этаётганлари жуда кўп. Аммо ўқиниши битириб, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаётган, сарсон-саргардонликдан юрган йигит-қизлар бор. Ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, қўмакка муҳтожлари ҳам йўқ эмас.

**23 февраль кунини давлатимиз раҳбари ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Қайд этилдики, бу йил "ёшлар баланси" бўйича 925 минг йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш зарур. Коллеж, техникум ва олий ўқув юртлирини 300 минг ёш битиради. Йиғилишда уларни ишга жойлаштириш, замонавий касб-хунарни ва тадбиркорликка жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

## "Ёш тадбиркор" голиблари

### хорижий давлатларда малака оширади

Йиғилишда ёшларнинг бизнес билан шуғулланишига қўшимча имкониятлар яратилиши айтилди. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи шунга йўналтирилади. "Ёш тадбиркор" танловлари ўтказилиб, голиб бўлган бизнес лойиҳа ва гоёлар эгалари хо-

рижий давлатларга малака оширишга юборилади.

## Мутасаддилар ахборот беради

Мутасаддилар янги саноат лойиҳаларида 100 минг, хизматлар соҳасида 150 минг, иш ўринларини легаллаштириш ва ўзини ўзи банд қилиш орқали 200 минг нафар йигит-қиз бандлигини таъминлаш тўғрисида ахборот берди.

Бу йил ахборот технологиялари соҳасида 70 минг ёшни банд қилиш режалаштирилгани алоҳида таъкидланди. Бунинг учун қобилиятли йигит-қизларни аниқлаб, IT-касблар ва хорижий тилларни ўрганишига қўмаклашиш зарурлиги таъкидланиб, ҳокимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

**1 миллион нафар ўғил-қиз хорижий тилларга бепул ўқитилади**

Ёшлар ишлари агентлигининг "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси орқали 1 миллион нафар ўғил-қиз хорижий тилларга бепул ўқитилади. Мактаблардаги бўш синф хоналари чет тили репетиторлари ва ўқув марказлари учун бепул ижарага берилди. Қишлоқ жойлардаги ўқувчиларнинг ўзлаштириши юқори бўлган 100 та хусусий ўқув марказининг ижара харажатлари 6 ойгача компенсация қилинади.

Шунингдек, хусусий курсларда ўқиб, "С-1" сертификатини олган ёшларга ўқиб харажатлари, немис, француз, корейс, япон ва хитой тиллари бўйича эса "В-2" даражаси сертификатини олиш харажатлари қоплаб берилди. Яна бир янгилик – бу йил нафақат сертификат олишдаги имтиҳон харажати, балки олти ойлик ўқиб пули ҳам тўлаб берилди.

"Устоз" лойиҳаси доирасида 250 минг нафар ёшлар маркетинг, реклама, электрон савдо, IT-дизайнер каби 30 та замонавий касбга ўргатилади.

## Ёшларга ер ажратилади

Йиғилишда бу йил яна 60 минг 500 гектар ер ёшларга ажратилиши белгилангани алоҳида таъкидланди.

Бундан самарали фойдаланиш учун янги тартиб ўрнатилиши қайд этилди. Унга кўра, туман ҳокимлари ерни сув таъминоти яхши жойдан ажратишга масъул бўлади. Ҳар бир ёшга қанча майдон ажратиш бўйича "маҳалла еттилиги" тақлиф беради. Ер олган ёшлар Агробанкнинг "Фермерлар мактаби"да ҳосилдор экспортбон экинлар етиштиришга ўқитилади. Мини-техника, уруғ ва кўчатлар сотиб олишга "Ёшлар дафтари" жамғармаси ҳамда Фермерлар жамғармасидан субсидия ажратилади. Деҳқон ёшларга экспортчи ва қайта ишловчи тадбиркорлар кооперация асосида бириктирилади. Бундан ташқари, мева-сабзавот кооперацияларига банклар орқали 2 миллиард сўмгача кредит ҳам берилди.

Ҳақиқатан ҳам, ёшлар мамлакат тараққиёти учун катта иқтисодий куч ва яхши имконият дегани. Ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Яхшисини ошириб, ёмонини яшириб борадиган ҳисоботлар берадиган даврлар ўтди. Ҳозир ҳаммамиз амалий натижа учун ишлашимиз керак. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаб, берилган топшириқлар вақтида бажарилса, минг-минглаб ёшларимиз иш билан таъминланади, ҳаётда ўз ўрнини топади.

**Расмий хабарлар асосида**  
**Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.**



# ЖАРАЁН БОШЛАНДИ

Сийёсий партия дастури қонунлар ва қарорлардан фарқ қилади. Дастурда асосан ғоялар илгари сурилади. Уларнинг амалга ошириши кўп ва турли омилларга боғлиқ. Баъзида кўпроқ вақт талаб этилади, баъзида тарихий вазият ўзгариши керак бўлади.

2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлардан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик корпуси орқали амалга оширишни режалаштирган мақсадларнинг ҳаммаси ҳам осонлик билан рўёбга чиқаётгани йўқ. Баъзи нарсалар ўзгариши учун бутун тизим ўзгариши лозим.

Партиямиз дастуридаги энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларини истемолчилар гарданига юклайдиган коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг монополиясига барҳам бериш осон бўлмаган масалалардан ҳисобланади.

Узоқ йиллар давомида шаклланган ва қотиб қолган тартибни янгилash учун ҳам қонун, ҳам фаолият, ҳам умумтушунча ўзгариши зарур эди. Кейинги йилларда бу жараёнларнинг бир-бирига уйғун кечиши мамлакатимизда, айтиш мумкинки, тарихий имкониятни юзага келтирди.

## ҒОЯНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Энергетика соҳаси ҳар бир давлатда энг устувор соҳалардан ҳисобланади. Иқтисодиёт ривожланиши, жамиятнинг тараққий этиши, аҳолининг кайфияти, давлатга ва ҳаётга муносабати кўпроқ коммунал соҳа, энергетика билан боғлиқ. Қайси мамлакат энергетика соҳасига вақтида катта аҳамият қаратган бўлса, жадал тараққийета эришганига гувоҳ бўламиз.

Сир эмас, мамлакатимиз энергетика, жумладан, табиий газ ва электр энергияси соҳасидаги фаолият эскича ва монопол экани кўплаб муаммоли масалаларни келтириб чиқарган.

Маълумки, иқтисодиётда монополия деганда бир кишига, маълум бир шахслар гуруҳига ёки давлатга тегишли бўлган ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сотиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эга бўлиш тушунилади. Монополия бозор иқтисодиётида рақобатбардошлик имкониятларини йўққа чиқариб, нархларнинг ошишига ва мувозанат бузилишига олиб келади.

Юртимизда коммунал соҳада йиллар давомида нархларни ушлаб туриш сиёсати амалга ошириб келинган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳоли даромадлари анча камлиги, тўлов қобилиятининг пастлиги шундай йўл тутишга мажбур қилган. Лекин кейинчалик вазиятни аста-секин бозор тамойиллари асосида юмшатиб, ўзгартириш мумкин эди. Лекин, ислохотлар кечикди, электр энергияси аҳолига асл нархдан арзон етказиб бериб келинди. Оқибатда тизим нотўғри ишлади, издан чиқиш даражасига келиб қолди.

Масалан, энергетика соҳасидаги ускуналарнинг аксарият қисми 40–50 йилдан бери модернизация қилинмади. Тармоқ кун кўриб турди, лекин, уни ривожлантиришга сармоя киритилмади. Оқибати электр энергиясида узиллишлар, чекловлар кўпайиб келаверди. Ўз нархидан арзон, аммо йўқ ҳолат юзага келди. Бугунги кундаги узиллишларнинг сабаби ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Бу партиямиз учун, жамият учун, давлат учун ҳам ўта муҳим масала. Аҳолига, иқтисодиётга электр энергияни талабига яраша барқарор етказиб бермасдан ривожланиш мумкин эмас.

Вазиятни яхшилаш учун энг аввал электр энергия корхоналарини трансформация қилиш лозим эди. Электр энергетикаси корхоналарининг трансформацияси биринчи навбатда уларнинг даромади ортиши, харажатларнинг камайирилиши билан бевосита боғлиқ.

Трансформацияни амалга оширишда масаланинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим эди. Бир томондан давлатнинг бозор тамойиллари бўйича ишлашга аралашувини қисқартириш, иккинчи томондан ижтимоий ҳимояни ҳисобга олиш талаб этилади.

## РЕАЛ ҲОЛАТ МУРАККАБ ЭДИ

Энергетика соҳаси давлат бюджетига осилган боқиманда тизим бўлиб турибди. Чунки, 1 кВт энергияни ишлаб чиқариш учун тахминан 700, 800 сўм атрофида маблағ сарфланади. Бироқ энергия ишлаб чиқарувчи компаниялар аҳолига 295 сўмдан, яъни бир неча баробар зарарига сотишга мажбур эди. Газ ишлаб чиқарувчиларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Бутун дунёда бозор тамойили асосида нарх белгилash тизими иш олиб боради. Шу боисдан, соҳа мунтазам модернизация қилиб борилади. Аммо бизда аҳолига сотилиш нархи реал нархларнинг ҳатто яқинига ҳам йўламайди.

Энергия ишлаб чиқариш ва сотиш нархи ўртасида мутаносиблик йўқ. Инфляцияда доимий ўсиш кузатишмоқда. Лекин, нархлар сунъий равишда ушлаб турилади. Ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бериш аллақачон давлат учун зарар келтирадиган соҳага айланган. Шунингдек, энергия таъминотида сифатга эришишнинг бирдан-бир йўли, бозорда монополия эмас, эркин рақобатнинг юзага келишидир. Афсуски, шу кунга қадар нарх эмас, тариф сиёсати амалга ошириб келинган.

## АМАЛИЙ ИШЛАР

Ўтган қисқа фурсат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳани комплекс ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарорлари асосида тизим фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилиб, янгича тус олмақда.

Ишончли энергия таъминоти учун электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бир қаторда, уни истемолчига етказиб бериш учун юқори сифатли инфратузилмага ҳам эга бўлиш лозим. Ўн йиллар давомида янгиланмаган кенг кўламли ва айна пайтда жуда эскирган инфратузилма жонлантимирилмоқда. 2017 йилдан мамлакатимиздаги электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилash ва модернизация қилиш ишлари бошланди.

2020 йил Президентнинг халққа йўлланган Мурожаатномасида долзарб масалалардан бири сифатида бозорларни монополиядан чиқариш муҳимлиги, шунингдек, табиий газ таъминоти соҳасида монополия бекор қилиниб, бозор механизмлари жорий этилиши таъкидланган эди. 2021 йилдан табиий газни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар уни биржа орқали сотиш ҳуқуқига эга бўлишди, улгуржи истемолчилар эса уни сотиб олишлари мумкин бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясида ҳам айнан иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш, эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва монополияларни тугатишга алоҳида урғу берилган.

Сўнгги икки йилда 31 та товар ва хизматлар бозори монополия ҳолатидан чиқарилди. Йиллар давомида монополия ҳолатида бўлган энергетика ва газ соҳасида йирик монополияларни бўлиб юбориш ҳамда рақобатга асосланган бозорларни шакллантириш бошланди.

Ижтимоий ва ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорга кўра, "Қўёшли хонадон" дастурини амалга оширишга қаратилган вазифалар белгиланди. Шунингдек, 2023 йилда умумий 4 300 МВт қайта тикланувчи энергия манбаларини ишга тушириш, давлат-хусусий шериклик асосида 27 та йирик қувватли қўёш ва шамол электр станцияларини қуриш, 20 мингта ижтимоий соҳа объекти ва давлат идораларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, 37 минг аҳоли хонадонларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, фойдаланишга топширилган 765 та кўп қаватли уйлар қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланиши каби вазифалар белгиланди.

2023 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Энергетика соҳасини ислох қилишнинг навбатдаги bosқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра,

## 2023-2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига bosқичма-bosқич ўтиш концепцияси;

электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларини bosқичма-bosқич шакллантириш;

электр энергетика тармоғининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда соҳага хусусий секторни кенг жалб қилишга шарт-шароит яратиш;

аҳоли учун электр энергияси тарифларини белгилashда ижтимоий ҳимоя механизмларини жорий этиш ҳамда республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар аҳолига электр энергияси ягона нарх сиёсати асосида сотилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида электр энергияси таъминотчиларини эркин танлаш ҳуқуқини бериш;

электр энергиясининг улгуржи бозоридан нархнинг талаб ва тақдир асосида эркин шаклланишини таъминлаш, кунлик савдосини йўлга қўйиш ҳамда барча харид қилиш, сотиш операцияларини онлайн савдо платформа орқали амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, **2023-2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига bosқичма-bosқич ўтиш концепциясини 2023-2024 йилларда амалга ошириш бўйича** "йўл харитаси" тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил сентябр ойидаги қарори билан, 1 октябрдан бошлаб юридик шахслар учун энергетика тарифлари бозор нархларига яқинлаштирилди. Аҳоли учун тарифлар ўзгаришсиз қолди. Бу дастлабки bosқич эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## РЕАЛ ҲОЛАТ БЎЛДИ

Кейинги 6 йил ичида Ўзбекистонда ГЭСлар сони 2017 йилдаги 37 тадан 58 тага



кўпайди. Бу ўрнатилган қувватни 400 МВтга ошириш ва 2225 МВтга етказиш имконини берди.

Тармоқ жадал ривожланмоқда, республикада қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2023 йилда Ўзбекистонда 8 та гидро-электр станция ишга туширилди. Булар қаторига 3 та йирик ва 5 та микро ГЭС кирди. Ушбу объектларнинг умумий қуввати 190 МВтни ташкил қилади.

Агар 2016 йилда мамлакатда ўртача кунлик электр энергияси истемолчи 137,8 миллион киловатт соатни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 183,7 миллион киловатт соатга етди. Бу талаб **33,4 фойзага кўпайди**, деганидир.

Бугунги кунда истемолчилар сони 7 миллион 268,9 минг кишини ташкил этади, бу 2016 йилга нисбатан 947,8 мингтага кўпдир. Уларнинг 336,6 минг нафари юридик истемолчилар бўлиб, 69,1 мингга кўпайган.

Масалан, агар 1991 йилдан 2016 йилгача ёки 25 йил мобайнида 9 минг 300 километр паст қучланилиш электр узатиш тармоқлари модернизация қилинган бўлса, сўнгги тўрт йил ичида бу кўрсаткич 25 минг километрга (деярли 2,7 баравар) ошди.

Ҳозирги вақтда энергетика тизимининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати 14,131 мегаватт. 2000 йилда бу кўрсаткич 7,750 мегаваттни, 2016 йилда 10,830 мегаваттни ташкил этди. Яъни, 16 йил ичида деярли 3 минг мегаватт қўшилган ва худди шунча ҳажмдаги қувват сўнгги уч йил ичида қўшилишига эришилди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда ишлаб чиқариш қувватининг бундай ўсишига асосан Навоий, Талимаржон, Тошкент ИЭСларида янги буғ-газ қурилмалари (БГҚ) ишга туширилиши ҳисобига эришилди. Шунингдек, 2019 йилда 900 мегаватт қувватга эга янги Тўрақўрғон ИЭС ишга туширилди.

## АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистонда электр энергия дефицити йилига 6–7 млрд кВт ёки 10–15 фойзни ташкил этмоқда. Саккиз йилдан кейин йиллик эҳтиёж 110–112 млрд кВтга етади. Бу – жиддий масала. Давлат гарданида энгерго дефицитни тўлиқ бартараф этиш масъулияти турибди.

Агар дунёда энергия истемолчининг 23 фойзи ўй-жой секторига тўғри келса, Ўзбекистонда – 40 фойз. Хусусан, Европада 1 квадрат метр учун энергия сарфи йилига 120–150 киловатт соатни ташкил қилса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 390 киловатт соатдан ошади ёки 240–270 киловатт соат кўпроқни ташкил қилади.

Мамлакат тақдирига дахлдор масалаларда, аввало, миллий манфаатлар устувор қўйилади. Бугунги Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишдан манфаатдор. Бунинг учун эса барқарор, рақобатли муҳит зарур.

Ўзбекистон — 2030 стратегиясини жорий йилда амалга оширишга мўлжалланган давлат дастурида май ойига қадар нефть, газ ва электр энергетика соҳаларида тариф ислохотларини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Унга кўра, электр энергияси, табиий ва

суьултирилган газ нархлари ва тарифларини ўз таннархидан кам бўлмаган (cost recovery level) миқдорда ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

ҳисоб-китоблар натижасига кўра, электр энергияси, табиий ва суьултирилган газ нархлари ва тарифларини тасдиқлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида электр энергияси ва табиий газ нархларини белгилашда "ижтимоий меъёр" тизимини жорий этиш назарда тутилган.

## МОНОПОЛИЯ ҚАЧОН ЙЎҚОЛАДИ?

Энергетикадаги муаммоларни бозор механизмларини жорий этмасдан тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди. Монополияни йўқотиш учун инвесторларни жалб қилиш, бунинг учун эса тариф ислохотини самарали ўтказиб олиш лозим.

Биринчидан, ҳозир давлат энергия ресурсларини истемолчиларга ўз таннархидан ҳам арзонроқ даражада етказиб бериш учун триллионлаб субсидиялар ажратади. Ва бу маблағлар самарасиз кетади. Монопол фаолият сақланиб қолаверади, пулини олиб турган корхона-ташкилотлар яхшироқ хизмат кўрсатиш учун барибир ўзини ислох қилмайди.

Юқоридаги сабаблар хизматларни хусусий секторга ўтказишга тўсқинлик қилади, истемолчиларни ресурсларни тежашга рағбатлантирмайди.

Иккинчидан, амалдаги 2009 йилда қабул қилинган «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун бугунги ривожланиш жараёнига мос келмайди. Шу боисдан, ушбу қонуннинг электр энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сотиш, шунингдек, энергия бозори регуляторини яратишга хусусий капитални жалб қилиш механизмининг назарда тутувчи янги таҳририни қабул қилиш керак.

Учинчидан, газ ва электр энергияси учун тарифларни ҳисоблашнинг янги методологияси лозим. Ишлаб чиқариш ва истемолчига етиб боришига қадар бўлган таннарх тўланадиган маблағга мос бўлиши керак. Давлатнинг субсидиялашган тизимини bosқичма-bosқич камайитириб бориш лозим.

Эътибор берсак, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, умуман ҳаётни энергетика соҳасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан, энергия ишлаб чиқарувчи янги қувватларни яратиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш билан боғлиқ ҳужжатлар кейинги 4-5 йил ичида қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Ўйлаб қаралса, Тошкент шаҳрида айрим тоифадаги хонадонлар бор, бир қунлик истемолчи 3 хонали квартиранинг 5 ойлик истемолчи билан тенг. Бир кунда 5 ойда ёқадиган электр энергияни ёқади. Бехуда сарф учун эса қимматроқ тўланиши керак. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланганидек, нархларни белгилашда "ижтимоий меъёр" тизимини жорий этиш муҳим. Бу ҳам ҳимоялашнинг бир тури.

Факт ва далиллар Халқ демократик партияси дастурида белгилаб олган мақсадларига bosқичма-bosқич эришаётганини кўрсатмоқда. Дастлабки қадамлар бор, ҳали олдинда вазифалар кўп.



MUNOSABAT

## МИЛЛИОНЛАБ ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ РУҲИ КЎТАРИЛАДИ

ҲАЁТ БОР ЭКАН, ЯНГИЛАНИШГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛАВЕРАДИ. ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАН ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДИР.

ЖОРИЙ ЙИЛ 20 ФЕВРАЛЬ КУНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ РАИСЛИГИДА ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲОКАМА ЭТИЛИШИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛИШИ АҲОЛИНИ НИҲОЯТДА МАМНУН ЭТДИ, РУҲИЯТИНИ КЎТАРДИ. ЭҲТИЁЖМАНДЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ИШЛИ, УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШИГА ИМКОНИЯТ ЯРАТИШДЕК УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ КЎНГЛИГА ЁРУҒЛИК ОЛИБ КИРДИ, ЭРТАСИГА ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАШИ УЧУН ЯНА БИР ТУРТКИ БЎЛДИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҲОЯЛАРИ ҲАМ ИНСОН ҲИМОЯСИ, ҲУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР. ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚИМИЗ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ ОРТИШИ ПАРТИЯМИЗ УЧУН ПРИНЦИПАЛ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯМИЗ ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ.

ПАРЛАМЕНТ ҚҮЙИ ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ.



**Дилбар МАМАДЖАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги  
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

– Йиғилишда ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллиги ва самардорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан буён ижтимоий хизматлар маҳалла даражасида манзилли, шаффоф ва адолатли ташкил этилади. Маҳаллада ижтимоий хизматлар кўрсатиш электрон платформаси ишлаб чиқилиб, у орқали "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" платформалари ўзаро интеграция қилинади.

Янги тартибга кўра, ёрдамга муҳтож аҳоли вакиллари ижтимоий ҳимоялаш тизими маҳалла даражасига туширилади. "Мурувват" ўйлари ва Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида ижтимоий хизматларни мобил ва кундузги қатнов шаклида кўрсатиш йўлга қўйилади.

Келгуси йилдан 40 та туманда реабилитация, соғломлаштириш ва ногиронлиги бор шахсларга қарайдиганларни ўқитиш бўйича кўп тармоқли ижтимоий хизматлар марказлари иш бошлайди. Бу орқали яна 60 минг эҳтиёжман аҳоли ижтимоий хизматлар билан қамраб олинади.

Нафақа олаётган, аммо меҳнат қилиб, даромад олиш истагида бўлган 660 минг нафар аҳоли учун зарур шароит яратилиши шунча одамнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги яхшиланишига хизмат қилади. Шунингдек, "Темир дафтар"ларни юритиш тўлиқ Ижтимоий ҳимоя агентлигига ўтказилиб, "Саховат ва кўмак" жамғармасидан бир марталик ёрдам олиш учун оилаларни ушбу дафтарга киритиш талаби бекор қилинади.

Эндиликда нафақа олувчилар рўйхатига, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ муддат ишлаб олмайдиган оилалар киритилади. Бошқа фуқароларни "Ижтимоий реестр"га киритишда уларнинг фақат даромади эмас, балки харажатлари ҳам баҳоланади.

Ўтган қисқа даврда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, ёлғиз, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Бу ўзгаришларни юртдошларимиз ўз ҳаётида сезаётганини, ҳис этаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Энди йил якунигача одамларга протез воситаларини бериш, нафақа ва қаровсиз қолган болаларга васийликни расмийлаштириш, ўзгалар парваришига муҳтож кексаларни ёлғиз, деб эътироф этиш каби 49 та ижтимоий хизмат маҳаллага таъминлашга таъминлаётган миқдорнинг кўпайишига қўлдош беришнинг аниқлиги ҳақиқий аъзоси, деб ҳис қилсин. Ҳаммамиз шунга интилишимиз зарур.



**Фирдавс ШАРИПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги  
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон, том маънода, ижтимоий давлатга айланаётганини кўрсатмоқда. Бинобарин, айна йўналишдаги ўзгариш ва янгиликлар минглаб оилалар, қададан-қанча юртдошларимизни қувонтиргани рост.

Кейинги йилларда давлатимиз бюджет харажатларининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Жумладан, жорий йилда Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 50 фоизи ёки 151,5 триллион сўми таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий тадбирларга йўналтирилади.

Видеоселектор йиғилишида тизимни тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллиги ва натижадорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланиб, бу бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Ҳозир фақат 28 туман маҳаллаларида ижтимоий ходимлар фаолият юритаяпти. Жорий йилнинг 1 июнига қадар юртимизда мавжуд барча маҳаллаларда уларнинг фаолиятини ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Одамларга протез воситаларини бериш, нафақа ва қаровсиз қолган болаларга васийликни расмийлаштириш, ўзгалар парваришига муҳтож кексаларни ёлғиз, деб эътироф этиш каби 49 та ижтимоий хизмат маҳаллага таъминлашга таъминлаётган миқдорнинг кўпайишига қўлдош беришнинг аниқлиги ҳақиқий аъзоси, деб ҳис қилсин. Ҳаммамиз шунга интилишимиз зарур.

Дарҳақиқат, эҳтиёжман оилалар манзилли ўрганилса ҳамда маҳалла аҳолиси хабардор бўладиган шаффоф тизим яратилса, ҳар бир ижтимоий хизматга индивидуал ёндашилса, мониторинги олиб борилса, албатта, ёрдам ҳақиқий муҳтожларга етиб боради. Бу эса пировард мақсад – камбағалликни қисқартиришга замин яратади, иқтисодий ночор аҳволга келиб қолганларнинг ўзини "ўнглаб" олишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Йиғилишда ногиронлиги бўлган шахсларга "тўсиқсиз ҳаёт" яратиш билан боғлиқ долзарб масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси ногиронлиги бўлганлар учун қулай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилиши, жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари кўрилиши белгиланди. Шубҳасиз, ушбу янги тизимнинг амалга оширилиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга интеграциялашувини осонлаштиради.



**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги  
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

– Одамлар бугун яхши яшашни исташи ҳақидаги фикрга тўлиқ қўшиламан. Шу асосга кўра, юртимизда кейинги йилларда ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, муносиб турмуш шароитини яратишга бирламчи эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, янги тахрирдаги Конституцияимизнинг 1-моддасида Ўзбекистон — ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди.

Ўтган қисқа даврда ижтимоий сиёсат йўналишида қабул қилинган қонунлар сони икки баробар кўпайди. Бу борада 1992–2016 йилларда 24 та қонун қабул қилинган бўлса, 2017–2024 йилларда бу кўрсаткич 44 тани ташкил этмоқда.

Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Биринчи навбатда бу йўналишда ишларни ташкил этиш бўйича аниқ топшириқлар берилиб, ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-хунарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг "меҳнатга лаёқатини белгилаш" амалиётинан воз кечилиши айтиб ўтилди. Бу борада ногиронлик касалликка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётда иштирокига қараб белгиланиши аниқ бўлди.

Жорий йил 1 июндан бошлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгаради. Бунда эҳтиёжман тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилади ва уларнинг аниқ қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилади. Энг муҳими, муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури бўлади.

Шу билан бирга, хонадонга "маҳалла еттичилиги"нинг қайси вакили киришидан қатъи назар, оиладаги муаммо ва имкониятлар аниқланиб, "ижтимоий портрети" чизилади. Ёрдамдан сўнг хонадонда нима ўзгаргани мониторинг қилиб борилади.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, бу янги тизимни жойларда самарали ишлатиб, муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишлашдек эзгу йўлда ҳар биримиз, жумладан, биз депутатлар ҳам бел боғлашимиз керак. Белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш юзасидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатшимиз лозим.

Депутатларнинг фикрларидан шундай хулоса қилиш мумкин: жамиятга қўшилиб, ҳаётини изга солган инсонлар қанча кўпайса, Ватанимиз янада қудратли бўлади.

"Ўзбекистон овози" муҳбири  
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

## ПЕДАГОГНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАСИ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БЕРИ МУҲОКАМАЛАР МАВЗУСИГА АЙЛАНДИ. АСЛИДА БУ ҲАМ ЮТУҚ. МАКТАБ ТАЪЛИМИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАМАСДАН, ЎҚИТУВЧИНИНГ ОБРЎСИНИ КЎТАРМАСДАН, УНИНГ ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАМАСДАН ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА ГАПИРИШ БЕФОЙДА. ЗЕРО, ФУНДАМЕНТИ НОСОЗ БИНОНИНГ ТЕПАСИГА ҲАР ҚАНЧА ЗЕБ БЕРМАНГ, ТАГИ ҚИЙШИҚ ВА ОМОНАТ БЎЛГАНИ БОИС БАРИБИР МУСТАҲҚАМ БЎЛМАЙДИ.

ЯҚИНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ПЕДАГОГНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЯНГИ ҚОНУН ТАРИХИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ҚОНУНДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ, ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ, МЕҲНАТИГА ЯРАША ҲАҚ ТЎЛАШ, РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛДИ.

Жумладан, янги қонунга кўра, шу пайтгача ўқитувчини, умуман, бу касбни хўрлаб келаётган бир қатор амалиётлар энди қонунан тақиқланади. Ҳеч кимга сир эмас, ўқитувчилар ҳокимлик ва идораларнинг югурдақларига айланиб қолишган эди. Ўқитувчилар турли ҳисоботлар тайёрлаш билан овора бўлиб, дарс бир томонда қолиб ҳам кетди.

Эндиликда ушбу қонунга кўра, педагогни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан, ҳудудларни ободонлаштиришга ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш тақиқланади.



Шунингдек, педагоглардан уларнинг касбий мажбуриятларига тааллуқли бўлмаган ҳисоботларни ва бошқа маълумотларни, шу жумладан, битирувчиларнинг бандлиги таъминланганлиги ҳақидаги ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этишини талаб қилиш энди мумкин бўлмайди.

Педагогнинг зиммасига товар ва хизматларни сотиб олиш мажбуриятини юклан, шу жумладан, иш ҳақидан унинг ёзма розилигисиз товар ва хизматлар учун маблағ ушлаб қолиш каби ўқитувчи обрўсини ерга урадиган амалиётлар ҳам қонундан ташқари, деб эълон қилинади.

"Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонунда, шунингдек, педагогларнинг касбий фаолиятини амалга оширишга кўмаклашиш, рағбатлантириш, имтиёзлар бериш ва дам олиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Педагогларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Масалан, улар учун қисқартирилган иш вақти белгиланади. Олис ҳудудларга бориб дарс берадиган ўқитувчиларга бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ижараси учун ҳар ойда компенсация тўлаб берилади.

Қонунда, шунингдек, педагогларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига имтиёзли асосда қабул қилиш, юқумли касалликларга қарши бепул эмлаш ва мажбурий тиббий кўрикдан бепул ўтказиш каби имтиёзлар берилган.

Қонунда педагогларнинг таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга муносабатини ўзгартириш масаласига ҳам кенг ўрин ажратилган. Беш қўл баробар эмас, айрим педагогларнинг ўз мақомларига номуносиб эканликлари, ўз устида ишламасликлари, ўқувчиларга қўл кўтариш ва уларни ҳақорат қилиш каби педагогик этикага зид ишларни ўзларига эп қўришлари ҳам учраб туради. Янги қонун мана шу жиҳатларни ҳам тартибга солади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжат ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зулфия ТУЙЕВА,  
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят  
Кенгаши раиси



## КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ФЕВРАЛЬ ОЙИ ЯКУНИДАГИ ЯНА БИР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСДА ҲАМ ИНСОНИЙЛИК, ҲАМ ДЕМОКРАТИК НУҚТАИ НАЗАРДАН МУҲИМ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДАН ЎТДИ.

**БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. ЛОЙИХА МАЗМУНИ БИЛАН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИ МАНСУРБЕК ОЛЛОЁРОВ ТАНИШТИРДИ.**

Айтилишича, қонун лойиҳасида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизда болаларга нисбатан зўравонлик жисмоний, жинсий, руҳий каби учта шакли мавжуд эди. Таклиф этилаётган лойиҳа билан ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация, буллинг сингари зўравонлик шакллари билан тўлдирилмоқда.

Янги институт жорий қилиниши ҳам кўзда тутилмоқда. Яъни, эндиликда болаларга ҳам ҳимоя ордери бериш таклиф этилмоқда. Бунда ордер ваколатли орган томонидан зўравонликдан жабрланувчининг қонуний вакилига ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахсга ҳамда зўравонликдан жабрланувчининг ўзига берилади.

Бундан ташқари, лойиҳада болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг иштироки ва уларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Жумладан, ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши ҳамда зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиши шартлиги, болаларни тарбиялашда уларни жисмоний жазолаш тақиқланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида таълим ташкилотларида болаларга нисбатан зўравонликка йўл қўйилмаслиги, таълим муассасаларида интизомий жазо чораси сифатида зўравонликнинг ҳар қандай шакли, шу жумладан, жисмоний жазо ва бошқа шафқатсиз хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ёки кадр-қимматни камситувчи муомалани қўллашга йўл қўйилмаслиги қатъий белги-ланмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, етим, назоратсиз, ақлий ривожланишда нуқсон бор, фоҳишалар, тиланчилик билан шуғулланаётган болалар зўравонлик хавфи остида бўлган болалар тоифалари сифатида қонун лойиҳасида аниқ белгилаб берилган.

Муҳокамада куйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ҳам ўз позицияларини билдиришди. Жумладан, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов шундай деди:

– Бугун Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ва келажақда давлатимизнинг таянчи бўлиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Умуман, кейинги йиллардаги қонунчилик ҳужжатлари ҳам ёшларга эътибор давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканини яққол кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан бугун муҳокамага киритилган қонун лойиҳасига ҳам ушбу сиёсатнинг узвий давоми сифатида қарашимиз керак.

Ўтган йили қабул қилинган янги Конституциямизда оила, болалар, ёшларга бағишланган алоҳида боб қўшилди. Хусусан, 78-моддада боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қонуннинг алоҳида жиҳатларини таъкидлаб ўтишимиз керак.

Биринчидан, давлат сиёсатини белгилаб бермоқда.

Иккинчидан, масъул ваколатли органни белгилаб бермоқда.

Учинчидан, зўравонликка учраган болаларни ҳимоя қилиш механизми яратилмоқда.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий гоёси бўлган ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат принципларига асосан ишлаб чиқилганини эътироф этган ҳолда, фракциямиз лойиҳани биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб, барча депутатларни қўллаб-қувватлашга чақиради.

Яқунда қонун лойиҳаси маъқулланди.



### 3 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ҲУҚУҚ МАСАЛАСИ

Шу куни мажлисда яна бир йирик қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди.

Бу ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга қаратилган қонун лойиҳаси эди.

Лойиҳа билан таништирган адлия вазири ўринбосарининг таъкидлашича, 2018 йилда Президентимизнинг тегишли фармониغا мувофиқ ўтказилган бир марталик умумдавлат акцияси доирасида 621 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкасида тегишли рухсатномасиз қурилган уй-жойларига нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, уларга кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилган.

Шунга қарамадан, бугунги кунда 3 миллиондан ортиқ фуқаронинг рухсатномасиз қурилган уй-жойларига нисбатан эгалигини белгилаш масаласи қонуний ечимини кутаётган экан.

Ўйлаб қаралса, бу Ўзбекистон аҳолисининг деярли 10 фоизи ўзи яшаб турган уй-жойига нисбатан эгалик ҳуқуқи қонуний тартибда белгиланмаганлигини англатади. Биргина шу хулосанинг ўзи қонун лойиҳасининг концепцияси қанчалик муҳим ва долзарблигини англашимиз учун кифоя.

Қонун лойиҳаси 37 моддадан иборат бўлиб, ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилмоқда.

Унга кўра, – 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар томонидан яқка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган

бино ва иншоотлар;

– 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент юридик шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотлар;

– Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан фуқароларнинг ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин, деб топилган ҳолатлар;

– 2021 йил 8 июнь кунига қадар туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент юридик шахсларга ажратилган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқлаш масаласи ўз вақтида кўриб чиқилмаган ер участкаларига, бундан ер участкасида икки йил мобайнида бино ва иншоот қурилмаган ёки қурилиши бошланмаган ҳамда мақсадсиз фойдаланилган ҳолатлар мустасно;

– боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидagi турар жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкаси;

– 2020 йил 9 мартга қадар ки-

чик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг бино ва иншоотлари (ёки уларнинг қисмлари) жойлашган ер участкаси;

– хусусийлаштирилган кўчмас мулк объектлари, хусусан, бино ва иншоотлар ҳамда яқка тартибдаги турар жойлар эгаллаган ер участкаси;

– фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк ҳуқуқи эътироф этилган бино ва иншоотлари ҳамда яқка тартибдаги уй-жойлари эгаллаган ер участкалари кабиларга татбиқ этилади.

Лойиҳада 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент юридик шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаларига фақат ижара ҳуқуқи, унда қурилган бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқи эътироф этилган. Бунда ижара муддати яқка тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер участкалари учун тўқсон тўққиз йил, бошқа ер участкалари учун қирқ тўққиз йил этиб белги-ланмоқда.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўлов ундирилади. Тўлов миқдори Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, Нукус шаҳри ва вилоятлар миқдорининг уч баравари, вилоятлар бўйсунувидagi бошқа шаҳарларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари, бошқа

аҳоли пунктларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари этиб белгилаш назарда тутилган.

Шу билан бирга, бир марталик тўловни I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тўлашдан озод этилган бўлса, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган шахслардан тўловнинг 50 фоизи ундирилиши кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқи ҳамда уларда қурилган уй-жой, бошқа бино ва иншоот ёки кўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи расмийлаштирилиши учун ҳуқуқий асослар яратилишига хизмат қилади.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаши билан бирга, ўз таклифларини ҳам айтишди. Жумладан, палата спикери қонуннинг номи ҳақида ўйлаб кўриш керак, базиларга яшаётган ери ота-бобосидан қолган, уларнинг бутун авлоди шу жойда яшаб келган, шундай фуқаролар учун “ўзбошимчилик”, деган сўз сал нотўғрироқ бўлиб қолади, яъни кимнингдир нафсониятига тегиб қўйишимиз мумкин, деган фикрни билдирди.

Депутатлар лойиҳани бир овоздан маъқуллашди.

Кўриниб турибдики, иккала қонун лойиҳаси ҳам долзарблиги жиҳатидан ҳуқуқий давлатчилик асослари ва жамият фаровонлиги учун жуда ҳам муҳим. Бу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши миллат генофонди бўлган ёшларга эътиборни ҳам, миллионлаб фуқароларнинг уй-жойларига нисбатан эгаликни белгилаш масаласи ҳам қонуний тартибга солинишини англатади.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



FIDOIYLAR IBRATI

# ҚАЛБИ ПАРТИЯМИЗ ДАСТУРИ БИЛАН ЎХШАШ ИНСОН



– Минажатдин оға, (асли ёшим жуда кичику аммо ҳурмат юзасидан шундай атайди) она табиатга қанча яқин бўлсанг, соғлом бўласан. Биласанми, кичиклигимизда ҳаммамиз яланг оёқ чолиб юрардик. Ҳеч кимнинг боласи касал бўлмасди, тўғрими? Шу оёқ яланг юрсам, қон босимни кўтарилмайди. Ўзимни тетик сезаман. Эрталаб тоза ҳаводан нафас олганга етмайди.

Шу тариқа гурунгимиз ҳар хил мавзу билан давом этади. Шундай ажойиб инсон билан кўп йиллардан буён бир мақсад йўлида ҳамнафас бўлиб келаётганлигимдан қувонаман. У кишидан доимо ҳаётий тажрибалар тўплашга ўрганганман. Тўғри-да, ҳаммаша яхши одамлар орасида бўлиш қандай яхши. Атрофдагиларга, яқинларига самимий, меҳрли муносабатда бўлиш орқали эл орасида ҳурмат қозонган, кадр топган Халилла оға ҳақида бир-икки сўз айтмоқчимиз.

## Шоғирлардан кадр топган устоз

Халилла Ешимбетов ҳар доим тиниб-тинчимайдиган инсон. Имкон қадар инсонларга ёрдам беришга шошилади. Беруний туманида туғилиб, вояга етгани боис шу тумanning барча жойини беш бармоғидек билади. Қайси жойда муаммо бор, унга қай тарзда ечим топиш керак – ҳаммасини ўйлаб юради.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Шуманай туман Кенгаши депутати Махмуд Есенгелдиев шундай деди:

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгес депутати, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Халилла Ешимбетов билим ва тажриба билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонган инсон. Саккиз йилдан буён Халилла Бекимбетович билан партия сафида бўлиб, фаолият юритиб келмоқдаман.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 662 та бошланғич партия ташкилотидан 41762 нафар аъзоимиз жамланган. Жўқорғи Кенгесда 15 нафар, шаҳар ва туман Кенгашиларида 90 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

«Яхшидан боғ қолади», дейишди-ку. Яхши инсонлар ўзлари фаолият олиб борган пайтларидан ном қолдириши табиий. Мисол тариқасида шунини айтишим мумкин, унинг раҳбарлигида 2020 йилда партиянинг Шуманай туман кенгашига туман марказида 6 хонали янги, чиройли иморат қад ростлади. Албатта, бундай ишларни олиб бориш учун ҳам ҳар томонлама ақл-заковат, тажриба керак. Мен Халилла Бекимбетовични донишманд раҳбар, меҳр-оқибатли, жуда бағрикенг, сермулоҳаза, андишали, маданиятли инсон, деб биламан.

Хусусан, Халилла Ешимбетов бошчилигида Қорақалпоғистон Республикасида партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш борасида кўплаб тадбирлар ва амалий ишлар олиб боришмоқда.

Ҳалоллик, тўғрисиқлик, адолат томонда туриш, ҳақиқатни айтиш у кишининг фазилатлари ҳисобланади. Ҳаммаша шоғирларига жуда кўп ғамхўрлик қилади. Кадр тайёрлашда катта тажриба мактабига эга. Бу борада устоз кўпчилиққа ўрнак.

Мен Халилла оға билан бирга ишлаганимдан, замондош бўлганимдан, у кишидан ҳаёт тажрибаларини ўрганганимдан фахрланаман.

## Теран билимга эга тарғиботчи инсон

Партиямиз дастурида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ғоялар муҳрланган. Халилла Ешимбетовнинг қалби дастурига жуда ўхшайди.

## Райхан Кармисова,

Ўзбекистон ХДП Қораўзақ туман кенгаши раиси:

– Халилла оғани дастлаб телевидениедаги чиқишлари орқали теран билимга эга тарғиботчи, қонунлар, қарор ва фармонлар мазмун-моҳиятини аҳолига содда тилда тушунтириш билан инсон сифатида таниган эдим.

ХАЛИЛЛА ОҒА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕПУБЛИКА КЕНГАШИ РАИСИ БЎЛИБ КЕЛГАНДАН БУЁН НУКУС ШАҲРИДА ИЖАРАДА ТУРАДИ. БЕРУНИЙ ТУМАНИГА ЎҒИЛЛАРИ БИЛАН НАБИРАЛАРИНИ КЎРГАНИ БОРАДИ. ШАҲАРДА БИР МАҲАЛЛАДА ЯШАЙМИЗ. АНИҚ ЭСИМДА, ЁЗ ОЙЛАРИ ЭРТАЛАБ БАДАН ТАРБИЯ ҚИЛГАНИ КЎЧАГА ЧИҚАМИЗ. ХАЛИЛЛА ОҒА ҚАТТА КЎЧАГА ЧИҚИШИ БИЛАН ОЁҚ КИЙИМЛАРИНИ ҚЎЛИГА ОЛИБ, ЯЛАНГ ОЁҚ ЮРАДИ. МЕНИНГ ТААЖЖУБЛАНГАНЛИГИМНИ КЎРИБ, ИЗОҲ БЕРГАН БЎЛАРДИ.

2018 йилнинг декабрь ойдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қораўзақ туман кенгаши раиси бўлиб иш бошладим. Халилла Бекимбетовични билими, ишга масъулияти ва катта тажрибаси билан ўзини эркин сезадиган, барча ишларни жой-жойига қўядиган, тиниб-тинчимайдиган раҳбар, деб биламан.

Касб танлаш – ҳар бир инсон ҳаётидаги энг муҳим танловлардан бири. Касб нафақат даромад топиш манбаи, балки умрнинг асосий қисми сарфланадиган фаолият ҳамдир. Шу маънода инсон умр йўлдош ва касб танлашда адашмаслиги керак, деган гап нақадар ўринли эканига қўшилмай иложимиз йўқ. Боиси, инсон умрининг энг асосий дамлари оилада ва ишда кечади.

Инсон севган касбидан ва оиласидан қониқиб ҳосил қилиб яшаса, турмуши чиройли кечади. Халилла Ешимбетов ҳаётда ана шундай омади чопган инсонлардан бири, деб биламан.

Фаолияти давомида турли соҳаларда ишлаган бўлса, ҳар бир соҳада катта натижаларга эришадиганини ҳамкасблари жуда яхши билишади. У ўзига жуда талабчан, оғир нуқталарни тез англаб етиб, унга ечим топишда тинмай ҳаракат қилади. Масъулиятли лавозимларда ишлашига қарамасдан, жуда камтарин. Ўзи ҳақида эмас, кўпроқ ўзгалар ҳақида ўйлайди. Яхшилик қилиш, эътибор ва эъзоз кўрсатиш у кишининг ҳаёт фалсафасига айланган.

## 2010 йилдан буён бир сафдамиз

Кўп йиллардан бери партиямиз сафида меҳнат қилиб келаётган **Амударё туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Амударё туман Кенгаши депутати Махсуд Саъдуллаева**га қулоқ тутамиз:

– **Халилла Ешимбетов билан 2010 йилдан буён бирга фаолият юритиб келаман. Республика ташкилотига раҳбар бўлганидан кейин кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди, партия тарафдорлари кўпайиши билан унинг нуфузи ҳам ошди. Бу инсон бошчилигида қатор лойиҳаларни самарали ўтказмоқдамиз. Партиямиздан сайланган ҳар бир депутатни шахсан ўзи яхши билади. У киши шижоати, изланишлари, ташаббускорлиги ва яратувчанлиги сабабли депутатларнинг катта ҳурматиغا сазовор бўлмоқда.**

**Унинг одамлар билан самимий мулоқот қилиш, нотиклик санъати, вазиятга зудлик билан тўғри ва одилона баҳо бериш хусусиятларини қадрайман. Ишни устун қўядиган, фидойи, меҳнаткаш, талабчан, эл-юртининг севадиган раҳбар сифатида бутун Қорақалпоғистонда партиядошларимиз уни ҳурмат қилади ва ардоқлашади.**

У ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан асло чарчамайди. Кимгадир даволаниш учун ордер олиб берса, яна бирига махсус аравачасини олиб беради. Бир кўчага тунги ёриткич ўрнаттирса, баъзи маҳаллага янги трансформатор ўрнатишда ёрдам кўрсатади. Эски кўприкни янгилашга, айрим кўчаларни асфальт қилишда депутатлик сўрови билан мурожаат қилиб, масала ҳал этилишини назорат қилади.

Инсонларнинг дардига дармон, ташвишига шерик бўлиб яшашга ўрганган Халилла Ешимбетовнинг кундалик ҳаёти савобли ишлари билан катта мазмунга эга бўлиб келмоқда.

## Лидер устоз

Халилла оға ҳақида фикрларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Сайёра Имомова давом эттиради:

– Сиеват оламига 2014 йил Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлган пайтда кириб келдим. Халилла Ешимбетовни олдиндан танирдим, лекин ҳеч учрашмагандик. Салобатли, фикрлаш доираси кенг, шу билан бирга, меҳрибон, ҳеч қачон маслаҳатини аямайдиган бу инсонни лидер, ҳурматли устоз, деб биламан.

Дастлаб Беруний туман Кенгашига депу-

тат бўлиб сайланганман. «Депутатлик шунчаки мақом эмас, депутат халқ дарди билан яшаш зарур, ҳар бир муаммога дилдан ёндашиб, ечимини топиши зарур», деб айтар эди устоз.

Уларнинг энг яхши хислатларидан бири – етти ўлчаб бир кесадилар. Ҳар бир ишнинг охирини ўйлайдилар. Ўз ўрнида қаттиққўл, талабчан, ташаббускор, ўз ишини севиб қиладиган, қолаверса, олдига қўйган мақсадига эришадиган раҳбар. Яна бир хислатлари – эътиборлилар. Қўл остида ишлайётган ходимларнинг ишларини баҳолаб, рағбатлантириши, аёл-қизларни байрамларда табриклаб, кўнглини олишни ҳеч қанда қилмайди. «Депутатликка юзаки ёндашиш энг катта хато», деб уқтирадилар.

Одамлар орасига кирганимизда, сайловчилар билан учрашганимизда, соддалик билан уларнинг қалбига кириб, тез тил топишиб кетади, ҳатто ҳазил-хузил қилиб кўнгилларини кўтаради, бу борада кучли психолог, десам муболага бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Халилла Ешимбетовнинг ҳаёт мактаби сермазмун. Биз шоғирларлари сифатида бу инсон билан фахрланамиз.

## Баъзан ёшариб кетганга ўхшайди

Партия фаоли, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Хурлиман Ниетбаева Халилла Ешимбетов ҳақида шундай фикр билдирди:

– Халилла Ешимбетовга Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвонини бекорга беришмаган. У раҳбар, депутат бўлса ҳам, жуда самимий, оддий киши, унинг ёнида ҳар қандай киши ўзини бамайилхотир ҳис қилади. Партия сафидаги ёшлар билан бемалол тил топиш олади. Бир мақсад сари жамланган биз сингари ёшларни кўриб, баъзан у киши ҳам ёшариб кетганга ўхшайди.

Халилла оғадек омади кулган, меҳнатдан чарчамайдиган инсоннинг шоғирди бўлганлигимдан қувончлиман. Ҳали биз кўп марраларни бирга босиб ўтамиз.

Халилла Ешимбетов бу йил 65 ёшни қаршилади. У 1981 йили Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтини муҳандис-химик-технолог мутахассислиги бўйича тугатиб, дастлабки меҳнат фаолиятини Нукус ип йиғирув фабрикаси Беруний филиали катта муҳандислигидан бошлаган. Тинимсиз изланиш, устоз маслаҳатлари натижасида фабриканинг катта устаси, цех бошлиғи, бош муҳандиси вазифаларига етиб борди. Уни 1986 йилда Беруний тумани ип йиғирув-тўқув фабрикаси директори этиб сайлашди.

Халилла Ешимбетов 1991–1995 йиллари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Беруний туман кенгаши ташкилотчиси сифатида катта фаоллик, фидойилик кўрсатган. Фаол тарғиботчи ва теран фикрли инсон 2008 йили яна партиявий фаолиятга қайтди. 2016 йилгача партиямизнинг Беруний туман кенгашига раислик қилди.

**Инсон ҳаётда меҳнати билан бахт калитини топиши мумкин. Одамлар орасида юриб, сиёсий мақсад-вазифаларни тушунтириш, элни ишонтириш осон иш эмас, албатта. Бунинг учун катта сабр, маҳорат ва истеъдод зарур.**

**Халилла Ешимбетов** 2016 йилдан бери Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси сифатида самарали фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида республика ташкилоти барча йўналишларда муҳим ютуқ ва натижаларга эришиб келмоқда.

Ҳар тонг яхши ният билан бадан тарбияга чиққан Халилла оға янги лойиҳалар, ташаббус ва тақлифлар ҳақида ўйлайди, режалар тузиб, уларни амалга оширишга интилади. Устозимиз 65 ёшдан ошаётган бўлса ҳам ҳали тетик ва бақувват. Ҳар эрталаб йўлимизни шижоат билан бирга давром эттираемиз.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ.**

## БИЛАСИЗМИ?



Ногиронлиги бўлган шахсларга берилган айрим имтиёзлар

• Ногиронлиги бўлган шахслар учун ОТМда давлат гранти асосида кўшимча қабул квотаси ажратилади.

• Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

• I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади.

• Ногиронлиги бўлган шахслардан жамоат бирлашмалари раамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

• Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ҳамда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

• I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

• Тегишли тиббий ҳулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади.

• Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.

• I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади.

• Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.

• Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйдан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади.

• Ногиронлиги бўлган ёшларга МҲМнинг 50 бараварига (17 млн сўмгача) субсидия ажратилади.

• I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади.

• Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

• Болаликдан ногирон бўлганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларининг МҲТЭКМнинг 3 баравари (3 млн 150 минг сўм) миқдоридagi маблағлари даромад солиғига тортилмайди.

## Судларда

# “ФАРМАЦЕВТ”ГА АЙЛАНГАН ОШПАЗ

Бир ошпаз, иккинчиси МЧЖда катта назоратчи, учинчиси эса омбор мудири бўлиб ишловчилар ўзаро тил бириктириб, дори воситаларини ноқонуний сотишни режа қилишган.

Учовлон 2023 йил 27 сентябрь куни Юнусов туманидаги 1-сонли болалар юқумли касалликлар шифонаси олдига белгиланган тартибда сақланмаган, аслида инсон имунитетини оширишга ҳамда бошқа ҳамроҳ касалликларни даволашда ишлатиладиган, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли муассасаси томонидан расмийлаштирилмаган уч донна дори қутисини 2.100.000 сўмга сотишган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Г.Т. исмли шахсининг кўрсатмаси асосида тезкор тадбир давом эттирилиб, унинг Чилонзор туманидаги уйда яна уч донна шундай дори ашёвий далил сифатида олинган. Улар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги низоми талабини қасддан бузишган.

Ваҳоланки, республика ҳудудида дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналардан ташқари сотиш, сертификатсиз чакана реализация қилиш тақиқланган.

Қонун ва қарор талабини бузиб, ноқонуний фаолият тури билан шуғулланган Г.Т. ва унинг икки шериги суд олдига жавоб берди. Судланувчилар суд мажлисида айбига тўлиқ иқдор бўлиб, фойда олиш учун қинғир ишга қўл уришганлигини, қилмишидан пусшаймонлигини билдиришди.

Суднинг ҳукми билан уларнинг ҳар бирига бир йил синов муддати белгиланди. Агар улар шу даврда суд юклаган мажбуриятни бажармаса, оқибати ҳақида ҳам тушунтириш берилди.

Пул топанман деб “фармацевт”га айланган ошпаз, омбор мудири ва назоратчи бугун афсусда.

**Азимжон ҲАКИМОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Яккасарой туман судининг  
судьяси.**

## HAYOTIY MASALA

УЙ-ЖОЙ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧУН ҲАЁТДАГИ ЭНГ БИРЛАМЧИ МАСАЛАЛАРДАН. БУ ОЛАМГА КЕЛИБ, ИНТИЛАДИГАН АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИМИЗДАН БИРИ ҲАМ УЙЛИ, ВАТАНЛИ БЎЛИШДИР. ЖОРИЙ ЙИЛ 29 ЯНВАРДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 2024 ЙИЛДА УЙ-ЖОЙ, ҚУРИЛИШ, КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ, ТРАНСПОРТ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ, УНДА ХУСУСАН, УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ КВАРТИРАЛАРНИНГ НАРХИ 1 КВАДРАТ МЕТР УЧУН 25 МИЛЛИОН СЎМГА (2024 АҚШ ДОЛЛАР) ЕТЯПТИ. ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИДА ТАННАРХ 8-10 МИЛЛИОН СЎМГА ЧИҚИБ КЕТГАН. НАРХЛАР ҚИММАТЛИГИ ҚУРУВЧИЛАР УЧУН МОЛИЯВИЙ РЕСУРС ЕТИШМАСЛИГИ, БОРИ ҲАМ ЖУДА ҚИММАТЛИГИ БИЛАН ИЗОҲЛАНДИ. КЕЛТИРИЛИШИЧА, КРЕДИТЛАРНИНГ ЭНГ АРЗОНИ 20-22 ФОИЗДАН БЕРИЛГАН, 28 ФОИЗЛИК КРЕДИТЛАР ҲАМ БОР.

Ресурс йўқлиги учун қурувчилар аҳоли маблағларини пойдевор қуйиш босқичида жалб қилиб, улшдор сифатида расмийлаштирилмоқда, айрим нопок қурувчилар ҳисобига одамлар ҳимоясиз қолмоқда. Ҳозирги амалиётга мувофиқ, кадастр ҳужжати йўқ уйга ипотека кредити бериш мумкин эмас. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мутасаддиларга илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ипотекани қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш топширилди. Шунингдек, уй-жой қурилишига аҳоли улшдор бўлиб киришини ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси ҳам қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам, охириги пайтларда Тошкент шаҳрида, бошқа шаҳарлар ва ҳудудларда ҳам кўчмас мулк нархлари тезлик билан ошиб бормоқда. Мутахассислар бу "пуфак хавфи"ни юзага келтириши, молиявий танг ҳолатга олиб бориши мумкинлигини таъкидламоқда. Хавотирлар ҳам йўқ эмас.

Хавотирлар нималар билан боғлиқ? Аслида уй-жой нархи таъсир қиладиган энг асосий индикаторлардан бири даромадларнинг ўсиши ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, даромадларнинг ўсишидан уй-жой нархларини ўсиши катта фарқ қилмоқда. Даромадларнинг реал ўсиши 6-10 фоиз асосида сақланаётган бўлса, уй-жой бозоридаги ўсиш 30-40 фоиздан юқори бўлади.

"Union Bank of Switzerland (UBS) Global" гуруҳи методологияси асосида Тошкент шаҳрида уй-жой нархлари учун ҳисобланган "пуфак индекси" нархлар хавфи чегарага яқинлашиб бораётганини кўрсатмоқда. 2023 йил учинчи чоракда пойтахтда уйларнинг 1 квадрат метр учун ўртача нарх 2022 йилнинг мос давридаги 975 АҚШ долларидан 1200 АҚШ доллар эквиваленти миқдorigача кўтарилган.

**Марказий банк департаменти директори Акмал Назаровга айрим саволлар билан муножот қилдик.**

**– Умуман, барча ҳудудларимизда нархларнинг катта ўсиши кузатишмоқда. Бунга қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда?**

– Уй-жой нархининг ошишига асосан инфляция даражасининг ошиши ва ялли ички маҳсулотдаги ўсиш таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, уй-жой кўчмас мулк бозорининг фаол равишда кенгайиб бориши фундаментал омиллар, демографик жараёнлар, қурилиш соҳасининг ўсиб бориши, ипотека кредитларининг фаол ажратилиши, аҳоли даромадларининг ошиши ва инвестицион фаоллиги ортиси таъсирида шаклланиб бормоқда.

Мамлакатимизда уй-жой сотиб олувчиларни шартли равишда икки гуруҳга бўладиган бўлса, биринчи гуруҳ вакиллари ўз эҳтиёжлари учун уй жой сотиб олувчилар ҳисобланса, иккинчи гуруҳ бизнес вакиллари бўлиб, уй-жой сотиб олишдан мақсад даромадларини янада ошириш ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётида кўчмас мулк доим яхши бизнеслардан бири бўлиб келган. Чунки, бозор иқтисодиётида нархларни давлат назорат қила олмайди, балки нархлар бозорда талаб ва таклиф натижасида шаклланади. Шу билан бирга, эркин иқтисодиётда кўч-

мас мулк ёки аниқроғи, уй-жой нархи доим ошиб борадиган товарлардандир.

Уй-жой нархи ошишига кейинги сабаблардан бири бу уй-жой қурувчиларнинг маркетинг фаолиятидир. Хусусан, бугунги кунда уй-жой сотиб олмакчи бўлган аҳолимизнинг катта қисмида эҳтиёжлари ёки бизнес учун ушбу уй-жойни тўлиқ сотиб олиш учун етарлича маблағ йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, уй-жой қуриб сотувчилар бўлиб-бўлиб тўлаш усулини жорий этиш орқали аҳолининг уй-жойга талабини ошириб юборди. Бундан ташқари, уй-жой нархлари ошиб бораётган шароитда ижарадан келаётган даромаднинг жозибдорлиги аҳоли жамғармаларининг кўчмас мулкка йўналтирилишини янада рағбатлантиради. Бу нарх янада қимматлашишига олиб келиши эҳтимolini оширади.

Уй-жой нархларининг фундаментал омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий ортиб бориши нарх пуфаги шаклланишига сабаб бўлади. Нарх пуфагининг кенгайиши жараёнида, аҳоли томонидан уй-жой нархларининг янада ортишининг кутилиши ҳисобига талаб ошади. Ўз навбатида, бу келгусида уй-жой нархлари ортиси ҳисобига даромад олишни кўзлаган инвесторларни ҳам ўзига жалб қилади.

Шу боис Тошкентда кўчмас мулк бозоридаги пуфак оқибатларини юмшатиш учун ажратилаётган ипотека кредитлари миқдorigа юқори чегара қўйилди. Ипотека кредитлари ажратишда уйнинг қиймати қанча бўлишидан қатъи назар, кредитнинг максимал чегаралари белгилаб қўйилган. Бундан асосий мақсад ҳам пуфаклар ёрилаётган вақтида банкларга бўладиган салбий таъсирнинг олдини олиш ҳисобланади. 1 миллиард сўмлик уй бўладиган бўлса, Тошкент шаҳрида банк ажратадиган кредит 440 миллион сўмдан ошмайди. Бу ўз-ўзидан хавфни камайтириш имконини беради.

**– Уй-жойлар, кўчмас мулкнинг нархи, уларнинг хариди ортиб бораётгани аҳоли реал даромадлари ошаётганиданми ёки кўпчилик маблағини бошқа мақсадларга ишлатишдан чўчиётганими? Қайси омил кучлироқ, деб ўйлайсиз?**

– Мамлакатимизда ва хусусан, пойтахтимизда уй-жой нархлари ҳар икки сабабга кўра ошиб бормоқда. Хусусан, пойтахтимизда аҳолининг даромадлари номинал ва реал кўринишда анча ошган. 2016-2023 йилларда аҳолининг реал даромади тўрт баробарга яқин ошган. Уша даврда уй-жой нархлари эса икки ярим баробарга кўтарилди.

Аҳоли реал даромадларининг ошиши миллий жамғармаларнинг янада кўпроқ шаклланишига олиб келди. Аҳоли жамғармаларини дастлаб нархи ошиб борадиган ёки жамғармалар қиймати йўқолиб кетмайдиган товарларга йўналтирилади. Ушбу товарлар рўйхатида уй-жойлар юқори ўринда туради.

Аҳоли даромадлари охириги йилларда кескин ошган экан, бунга мос равишда молия бозори инструментлари ҳам ривожланиши лозим эди. Хусусан, аҳолига жамғармаларини кўпайтириш ёки қадрини сақлаб қоладиган жозибали жойлаштириш манбаларини таклиф

қилишимиз лозим. Бугунги кунда аҳоли жамғармаларини капиталга айлантирадиган инструмент сифатида фақатгина банк депозитларини келтиришимиз мумкин. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда аҳоли жамғармаларини капиталга айлантирадиган ва уларни ишлаб чиқаришни ошириш йўлида самарали фойдаланишга йўналтирадиган инструментлар талабгина. Хусусан, ривожланган давлатларда аҳолининг қимматли қоғозлар бозорига кенг қамровини бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг етарлича ривожланмаганлиги ва аҳоли жамғармаларини ушбу молия бозорига жалб қилиш имкони чекланганлиги сабабли уларнинг жамғармалари кўчмас мулкка йўналтирилмоқда. Бугунги кунда тахминий ҳисоб-китобларга қараганда аҳолида 20-25 миллиард АҚШ долларидан жамғармалар мавжуд.

**– Харид қилинаётган аксарият уйлар кредит ҳисобига олинапти. Фоизлар кичкина эмас. Муддат ҳам қисқа эмас. Оқибатда оилавий бюджетнинг катта қисми ипотека фоизларига сарфланади ва камида 15-20 йиллик умр ҳам. Катта фоизли ипотека кредитлари хавфлими? Кейинчалик катта фоизли кредитлар ҳисобига молиявий-иқтисодий муаммолар келиб чиқиши мумкинми?**

Ушбу саволга Тошкент халқаро университети иқтисодиёт ва таълим кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Акрам Абсаломов қуйидагича жавоб берди:

– Мамлакатимизда уй-жой нархлари ошишига бир томондан аҳолини реал даромадининг ошиши, иккинчи томондан банк томонидан уларга тақдим этилаётган ипотека кредитлари ҳам асос бўлмоқда. Биргина статистик маълумотлар бизга кўп ҳодисаларда ойдинлик киради. Хусусан, 2016 йилда аҳолига жами 7,3 триллион сўм кредит ажратилган бўлса, 2023 йилда эса аҳолига 148,6 триллион сўм кредит ажратилган бўлиб, охириги етти йилда ушбу кредитлар 20 баробарга ошган. Шунингдек, 2023 йилда аҳолига ажратилган кредитларнинг 40 фоизига яқини, яъни 58,1 триллион сўми ипотека кредитларидир. Албатта, бу табиий ва ижобий ҳолат.

Ипотека кредитларининг рискли томони шундаки, биринчидан, узоқ муддатли. Яъни, кредитлар ўртача 15-20 йил даврни қамраб олади. Демак, шу давр мобайнида даромадининг катта қисми кредитлар сўндиришга йўналтирилишини инобатга оладиган бўлсак, аҳолининг бошқа турдаги товарларга талаби юқори бўлмайди. Бу мамлакатимизда бошқа турдаги товарлар бозорида ялли талабнинг қисқаришига сабаб бўлади. Иккинчи рискли томони эса инфляция даражасининг пасайтирилишидир. Агар инфляция даражаси пасайтирилса, мисол учун, 5 фоизгача пасайтирилса, аҳолининг ипотека кредитларини сўндириши қийин кечади. Чунки, бугунги кунда банк кредитлари қатъий белгиланган фоизларда берилмоқда, бу эса бозор конъюктурасининг ўзгаришига мос жавоб бера олмайди ва кредит олувчиларга юқини ташлайди.

**– Уй-жойларнинг нархи бутун дунёда кўтарилаётганими? Мисол учун, Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда қандай ҳолат кузатишмоқда?**

– Пандемия ҳолатидан кейин дунё иқтисодиётида бироз бўлса-да ўсиш кузатишмоқда. Албатта, бу ўсиш асосан Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатда уй-жой нархининг ошишига иқтисодий ўсиш сезиларли таъсир кўрсатади. Шундай экан, охириги йилларда Осиё давлатларида кўчмас мулк нархининг ошиши кузатишмоқда.

Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2023 йил октябрь ойида эълон қилинган маълумотларга асосан 2022 йил бошидан 2023 июлгача Қозоғистонда уй-жой нархи 26 фоизга, Грузияда 19 фоизга, Арманистонда 18 фоизга ошган. Кавказ, Марказий Осиё давлатларида геосиёсий вазият таъсири оқибатида ташқи талабнинг юқорилиги нархларга нисбатан босим яратаётган омиллардан бўлаётганлиги келтирилган.

Шу билан бирга, йиллик глобал уй-жой нархлари йирик марказий банкларнинг юқори фоиз ставкалари орқали инфляцияга қарши курашиш ҳаракатларига қарамай ўсишда давом этмоқда. Knight Frank тадқиқотчилари томонидан ўрганиладиган уй-жой нархлари индекси қамраб олинган асосан ривожланган 56 та давлатдаги бозорларда ўртача йиллик нархлар 2023 йил сентябрь ойида ўн икки ойлик 3,5 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи чоракка нисбатан 2,2 фоизга ошган.

**– Уй-жойлар нархидаги ўсиш ортиб бораверадими? Ёки нархлар барқарорлашиши мумкинми?**

– Ипотека кредитларини ажратишда бирламчи ёки иккиламчи уй-жой бозори сифатида эмас, балки умумий ёндашув асосида молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Эътибор берадиган бўлсак, янги қурилган уйларнинг нархлари таннарх юқори рентабеллик асосида ҳисобланади. Иккиламчи уй-жойлар қиймати эса мазкур тенденцияга мос равишда эквивалент товар сифатида нархлари шаклланади. Шу боисдан, ипотека кредит бозорида кўчмас мулкни молиялаштиришнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Экспертларнинг фикрича, келгуси ўн йилда уй-жой нархи доимий ошиб бориши тахмин қилинмоқда. Хусусан, Мюнхен иқтисодий ислохотлар институти (IFO) ва Люцерн университети қошидаги Швейцария иқтисодий сиёсат институти (IWP) тадқиқотларига кўра, уй-жой нархи дунёда ўртача йиллик 9 фоиздан ошиб боради ва энг юқори ўсиш, яъни йиллик 20 фоизгача ўсиш Шарқий Африка ва Жанубий Осиё давлатларида кузатилиши тахмин қилинмоқда. Марказий Осиё давлатларида эса, келгуси ўн йилда йиллик 10-15 фоиз ўсиш прогноз қилинмоқда. Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, кейинги йилларда уй-жой савдоси энг рентабелли соҳалардан бири бўлиб қолади.


**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири**



MULOHAZA

+3  
-2  
Qoraqalpog'iston  
Respublikasi  
Xorazm+2  
-1  
Buxoro  
Navoiy+1  
-3  
Toshkent  
Samarqand  
Jizzax  
Sirdar+1  
-1  
Kashkadary  
Surxondary+5  
+1  
Andijon  
Namangan  
Farqona+1  
+6  
Toshkent  
shaxri

# ОТА-ОНАЛАР, ТЎХТАНГ ВА БОШЛАНГ!



Япон олимлари боланинг кўр бўлиб қолиши учун мунтазам телефондан фойдаланишнинг 3 йили етарли, деб таъкидлашмоқда. Хабарни ўқиб, ақлим шошди, хавотирим ортди.

Бола доим кўрганини қилади. Ота-онаси телефонда банд бўлса, бола ўзини жуда ёлғиз сезади. Болани телефондан асраш учун ота-онанинг ўзи намуна бўлиши керак!

Ҳар бир инсон яшаш тарзини ўзи тўғри йўлга қўйиши керак. Ишлашнинг ҳам, яшашнинг ҳам ўз вақти бўлади. Агар ҳаёт фақат ишдан иборат бўлиб, оилага вақт ажратилмаса, демек, бу инсоннинг ўзида муаммо бор. Ҳаддан ортиқ кўп ишлаш, пул топишим керак, деб доимий хавотирланиш – психологик муаммо.

Мутахассислар 3 ёшгача бола онаси билан иложи борида кўпроқ бирга бўлиши керак, кейин бирор фойдали машғулот (спорт,

тўғараклар) билан банд қилиш ёки энага ёллаш мумкин, деб маслаҳат беришади.

Болаларнинг телефондан фойдаланишини назорат қилиш тўбора қийинлашмоқда. Болалар турли баҳоналар билан яна ва яна телефонга ёпишади. Ўйин дастурларининг хилма-хиллигига қарамай, смартфон ўйинчоқ эмас.

Гаджетлардан фойдаланишни бошданок, болани улардан тўғри фойдаланишга ўргатиш муҳим, хусусан, **юз ва смартфон экранни орасидаги масофани камида 30 см сақлаш керак.**

Телефонлардан фойдаланишда боланинг ёшига қараб, маълум вақт чекловлари мавжуд:

3-5 ёш – 15 дақиқагача;  
6-5 ёш – 20-25 дақиқа;  
8 ёш – 40 дақиқа;  
9-10 ёш – қисқа танаффуслар билан бир ярим соатдан ошмаслиги керак.

## КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ 35 ФОИЗ ПАСАЙГАН

Буюк Британия мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, **туғмачали телефонлар жорий қилинганидан бери одамларнинг кўриш қобилияти 35 фоизга пасайган**, бу яқиндан яхши кўрмайдиган беморларнинг кўпайишига олиб келди. Агар кўриш қобилиятининг бузилиши шу тенденцияда кетадиган бўлса, 2035 йилга келиб кўриш қобилияти паст бўлган беморлар сони 50 фоиздан ошади. Бутун дунёда нафақат кичик ёшдаги болалар, катталар, ҳаттоки кўз шифокорлари ҳам телефонларнинг салбий таъсирига дучор бўлишмоқда.

## ТЕЛЕФОН ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Болалар танаси техниканинг салбий таъсирига катталарга қараганда этароқ дуч келишмоқда. Усаётган бола тана аъзоларига ҳар қандай салбий таъсир зарар-

ли бўлиши мумкин. Мониторга узоқ муддатли қараш (3 соатдан ортиқ), хавфсиз масофага рия қилмаслик, кўзлар учун мунтазам машқнинг етишмаслиги каби ҳолатлар болалар кўриш қобилиятига салбий таъсир этади.

Нисбатан кичик экран, кичик ҳарфлар ва рақамлар, шунингдек, энг қизиқарли расиларнинг майда деталлари бола кўзларини кўпроқ чарчатади. Шунга асосланиб, биз жуда оддий хулосага келишимиз мумкин: **экран диагонали қанчалик кичик бўлса, боланинг кўзига салбий таъсири шунчалик кучлироқ бўлади.**

Соҳа экспертларининг асосли хулосаларига кўра, соғлиқнинг 50 фоиздан кўпроги турмуш тарзимизга, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ экан. Ҳар нарсада меъёр сақлаган ҳолда, ўзимиз ва фарзандларимиз соғлигига эътиборли бўлайлик.

**Мадина ҚАҲҲОРОВА,**  
ИИБ ходими, лейтенант.

## Адлия акцияси

### “ҲЕЧ БИР ШАХС ҲУЖЖАТСИЗ ҚОЛМАЙДИ”

Баъзи ота-оналар эйтиборсизлик, иложсизлик, бепарволик ёки бошқа сабаблар билан фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олмаган ҳолатлар учраб туради. Бундай ҳолат шахсни муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилишга олиб келиши табиий.

Масалан, балоғат ёшига етганида паспорт ололмайди. Ҳужжат тўғрилашга ҳаракат қилганида ҳам бирламчи ҳужжат бўлмагани учун ҳеч бир идорада иши битмайди. Ҳужжатсизлик ортидан жуда кўп қийинчиликлар келиб чиқади. Мактабга қабул қилинмайди, аттестат ололмайди, қонуний ишга киролмайди, пенсия масаласи ҳам муаммо бўлади. Энг ёмони, яшаб турган давлатнинг қонуний фуқароси деган ҳужжат бўлмаса, кўнгил ҳам кемтик бўлади. Бунинг устига, фуқаронинг муҳим ҳужжатларга эга эмаслиги унинг фарзандлари, оила аъзолари ва яқинларига бевосита таъсир қилади. Яратилган ижтимоий имкониятлар, имтиёزلардан маҳрум бўлади.



## Ҳамкоримиз

# ҚАРЗДОРЛИК КАМАЙМОҚДА



“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов иштирокида ўтказилган брифингда шу ҳақда маълумот берилди.

– Мамлакатимизда аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминоти 77,2 фоизга ошди, – дейди Акмал Муродов. – Албатта, бу Президентимиз ташаббуси билан соҳада олиб борилаётган самарали ислохотларнинг натижасидир. Жорий йил якунига қадар таъминот кўрсаткичини 81 фоизга етказиш белгиланган. Бу истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Истеъмолчиларнинг тўлов ва истеъмол маданиятини яхшилаш ҳам долзарб масалалардан.

Бугунги кунда юртимизда истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги 954 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Шундан жисмоний истеъмолчиларнинг қарздорлиги 767 миллиард сўмни ташкил этса, 186 миллиард сўмлик қарздорлик юридик истеъмолчиларнинг ҳиссасига тўғри келяпти. Қарздорлик 2023 йилнинг сўнгги чорагида 1,4 триллион сўмдан 954 миллиард сўмга камайтирилишига эришилди.

Республика бўйича ичимлик суви ва оқова сув хизматларидан қарздорликни ундириш юзасидан тегишли ҳуқуқий чоралар кўриш бошланган ва мунтазам давом этапти. Хусусан, жорий йил январь ойи ҳолатида дебитор қарздорликни қисқартириш бўйича судларга жами 13,6 миллиард сўмлик даъво аризалари киритилган.

Энг кўп даъво аризалари Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти сув таъминоти корхоналари томонидан чиқарилган.

“Ўзсувтаъминот” АЖ ва ҳудудий сув таъминоти корхоналари томонидан жорий йил бошидан буён ўтказилаётган махсус тадбирлар давомида 696 та қоидабузарлик ҳолати аниқланиб, жами етказилган зарар 5,5 миллиард сўмни ташкил этган.

450 та ҳолатда истеъмолчилар томонидан сув ўлчагичдан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмагани натижасида 2,3 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланган.

Брифингда аҳолидан бебаҳо ва муқобили бўлмаган сув неъматидан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймашлик, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бориш сўралди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
“Ўзбекистон овози” мухбири.

## Эълон

### ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“Овоз режиссерлиги ва операторлик маҳорати” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Санъатшунослик” кафедрасига профессор (1), доцент (1), “Маданиятшунослик” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Муסיқали театр санъати” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Вокал” кафедрасига профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Саҳна нутқи” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Кутубхонашунослик” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Миллий қўшиқчилик” кафедрасига доцент (1), “Жаҳон тиллари ва адабиёти” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Кўғирчоқ театри санъати” кафедрасига доцент (1), “Ижтимоий-гуманитар ва педагогика” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасига ўқитувчи (1), “Чолғу ижрочилиги ва муסיқа назарияси” кафедрасига катта ўқитувчи (1).

### Танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Мехнат дафтарчасининг нусхаси.

### Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: 100164, Тошкент ш.,  
Яланғоч даҳаси, 127 “а”-уй.**

**Телефонлар: 71-230-28-02,  
71-230-28-11**

**Ғофиржон САЛОМОВ,**  
Андижон шаҳар ФХД  
бўлими мудир.

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV

Muslihidin MUHIDDINOV

Ulug'bek VAFOYEV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Maqsuda VORISOVA

Shuhrat ISLOMOV

Qalander ABDURAHMONOV

Toشتهмир XUDOYQULOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 237. 3505 nusxada bosildi.

O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:50

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI